2016 ЙИЛ 2 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 23 (13.086)

Баҳоси эркин нархда

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ 70-СЕССИЯСИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги маълумот БМТ Бош Ассамблеяси 70-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Унда маълум қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётганига қарамасдан, 2015 йилдаги иқтисодий дастурни изчил ҳаётга тадбиқ этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имтиёз ва преференциялар бериш, чуқур тизимли ўзгаришларни амалга ошириш натижасида иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатлари ва унинг макроиқтисодий мутаносиблигини таъминлашга эришилганига алоҳида эътибор қаратилган.

Ҳужжатда халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014 — 2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016 — 2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани эътироф этилган.

Республикада мулкчилик тизимини тубдан ўзгартириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, корпоратив бошқарувнинг тамойил ва ёндашувларини ўзгартириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, барча акциядорлик жамиятида бошқарувнинг замонавий услублари қўлланилаётгани мазкур ҳужжатда алоҳида таъкидланган.

Ҳаётга жорий этилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етгани ёки 1,8 баробар юксалгани, шунингдек, иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари аҳоли даромадларини ошириб, одамлар турмуш даражаси ва сифатини юксалтиргани маълум қилинган.

Ушбу ҳужжатда хорижлик шериклар иштирокида саноатлаш лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани, аграр ва банк жабҳаларидаги тизимли ислоҳотлар натижалари, кадрлар тайёрлаш ҳамда янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Материалда Президент Ислом Каримов ўз маърузасида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ҳамда захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур эканлигига алоҳида тўхталиб ўтгани ҳам ўз ифодасини топган.

Унда "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинган 2016 йил Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш, перинатал ҳамда скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, оилада соғлом маънавий муҳит яратиш каби масалаларга катта эътибор қаратилишига алоҳида урғу берилган.

"Жаҳон" АА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

ЯНГИ ТИББИЙ УСКУНАЛАР ЎРНАТИЛДИ

Пойтахтимизнинг Миробод туманида жойлашган "Shox-shifo" масъулияти чекланган жамиятига "Siemens" (Германия) компаниясининг замонавий магнит резонансли томограф, мультиспиралли компьютер томографи, рақамли рентген аппаратлари олиб келинди.



Аъло Абдуллаев олган суратлар

Янги тиббий технологияларнинг тақдимотига бағишланган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси юксалтирилаётгани халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Соғлом она ва бола йилида бундай ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Тиббий-ижтимоий соҳаларга оид давлат дастурларида белгиланган лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда хусусий шифо муассасаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ташкил топганига 8 йил бўлган "Shox-shifo" масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга мисолдир. Юқори тиббий диагностика технологиялари билан жиҳозланган ушбу тиббиёт марказида беморларга малакали ташхис қўйилмоқда. Стационар шароитда ҳам тиббий ёрдам кўрсатилади.

– Марказга олиб келинган янги тиббиёт ускуналари энг сўнгги инновацион технология бўлиб, ундан дунёнинг энг ривожланган давлатларида фойдаланилади, – дейди марказ бош шифокори Гуллола Исроилова. – Бу технологиялар диагностика ишларининг сифатини янада юксалтириш, ички аъзолар ва суяклар, қон-томир, юмшоқ тўқималардаги ўзгаришларга юқори аниқликда ташхис қўйиш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш ва беморларни тўлақонли соғломлаштиришда юқори самарадорликка эгадир.

"Shox-shifo" масъулияти чекланган жамияти нафақат диагностика ва даволаш, балки соғломлаштириш лойиҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқда. 2015 йилда ушбу йўналишда ташкил этилган хайрия акциялари натижасида минг нафардан кўпроқ кексалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга саломатлигини яхшилаш бўйича тавсиялар берилди. Соғлом она ва бола йилида бундай эзгу ишларни янада кенгайтириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга оид қатор тиббий-ижтимоий лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган.

Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази "Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити – тадбиркорлар нигоҳида" мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Тадқиқотдан кўзланган мақсад мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва уларга қулай шароитлар яратишни таъминлашга йўналтирилган қонунчилик ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида жамоатчилик фикрини ўрганишдан иборат бўлди.

Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тажрибали тадбиркорлар, турли мулкчилик шакли, йўналиш ва соҳалардаги корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, тадбиркорлар ва фермерларнинг аксарияти мамлакатимизда яратилган ишбилармонлик муҳитини ижобий баҳолайди. Тадбиркорлар учун яратилаётган шароитлар, уларни янада яхшилаш, шунингдек, мулкчиликнинг турли шаклида муваффақиятли фаолият юритиш учун тенг имкониятлар берилаётгани ишбилармонлик муҳити юқори даражада ривожланаётганини тасдиқлайди.

2015 йилда тадбиркорларнинг юқори самарадорлик ва ижобий натижаларга эришгани мамлакатимизда улар учун қулай шароитлар яратилганининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ўтказилган сўровда тадбиркорлар 2015 йилги фаолияти натижаларини ижобий баҳолаши аниқланди. Бу иқтисодиётимиз хусусий секторининг сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтаётгани, яъни дастлаб ўз капиталини тўплаб, уни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни оширишга йўналтираётганидан далолат беради.

Тадбиркорларнинг фикрича, уларни рўйхатдан ўтказиш, ишлаб чиқараётган маҳсулотига лицензия олиш ва сертификатлаш жараёнининг очиқ-ошкоралиги, тадбиркорлик йўлидаги тўсиқларнинг бартараф этилаётгани, солиқ имтиёзлари берилаётгани, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича самарали банк фаолияти ҳамда хусусий сектор вакилларининг ҳуқуқий ҳимояланганги мамлакатимизда ишбилармонлик муҳити сифатига ижобий таъсир кўрсатаётган омиллардир.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термиз давлат университетида Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури доирасида "Ёш олимлар конференцияси – 2016" республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Самарқанд шаҳар Ёшлар марказида "Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"нинг вилоятдаги ижроси ҳамда 2016 йилдаги вазифалар муҳокамасига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Наманганда "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, жамият мустаҳкам бўлади" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда партиянинг "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" фаоллари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, тиббиёт муассасалари масъул ходимлари, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

● Андижон шаҳрида "Sunday" янги савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг Бобуршоҳ кўчасида иш бошлаган савдо мажмуасида халқаро андозалар даражасида хизмат кўрсатиш сервислари ҳамда 20 мингдан зиёд ассортиментдаги озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган бўлиб, 80 доимий иш ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти коллеж битирувчиларидир.

ЖАҲОНДА

● Шу кунларда Японияда қаҳратон қиш ҳукм сурмоқда. Маълумотларга кўра, Какосима музофотидаги Оисма оролига 115 йиллик танаффусдан кейин илк бор қор ёққан. Кунчиқар мамлакатнинг кўпгина жойларида қорнинг қалинлиги 59 сантиметрдан 142 сантиметргача етган. Бунинг оқибатида ҳалок бўлганлар ҳам бор. Об-ҳавонинг ўзгариши кўплаб авиақатновларнинг бекор қилинишига, темир йўл транспортида узилишларга ҳам сабаб бўлди.

● Кейинги 50 йил ичида жаҳонга машҳур Барби қўғирчоқларининг қиёфаси илк бор ўзгарди. Чунончи, АҚШда янги қиёфадаги — баланд бўйли ва нисбатан тўла Барби қўғирчоқларининг тақдимоти ўтказилди.

● Бутун жаҳон мамлакатлари бўйлаб самолётларнинг ҳалокатга учрашини кузатиб борувчи The Aviation Safety Network (ASN) ташкилотининг статистик маълумотларига кўра, 2015 йил авиация тарихида энг хавфсиз йил сифатида қайд этилди.

Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

ФАРОВОН ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ

Ҳаёт ҳақида гап кетганда инсон беихтиёр бугунни ўтмиш билан қиёслайди. Кўпни кўрган одамларнинг таққосларида мамлакатимиздаги ўзгаришлар, инсон манфаатларига қаратилган ислоҳотлар самараси яққол билинади.

– Саксонинчи йилларда Тошкентда ўқиганмиз, – дея ҳикоя қилади Чирокчи туманининг Ўтамайли қишлоғида яшовчи Расул Тўраев. – Байрамларда, таътилларда қишлоққа келиб-кетишимизда роса йўл азобини тортардик. Тошкентга ҳафтада икки марта поезд қатнар, унда сира бўш жой бўлмасди. Вагон кузатувчисига ялиниб, тик туриб кетардик. Кечқурун чиқсак, 10-12 соат йўл юриб, силламиз қуриб уйга борардик. Ҳозир неварам Тошкентда ўқийди. "Афросиёб"га ўтириб, уч соатда Қашқадарёга келади. Вилоятимизга ҳар куни учта поезд қатнаркан. Ишониш қийин. Яқинда қизиқиб, поездда Тошкентга бориб келдим. Йўл юриб чарчаш қаёқда, ўриндиқларнинг юмшоқлигидан роҳат қиласиз. Халқимиз шундай иззат-эътибор кўрар экан-ку, дедим. Шу кунларга етказганига мингдан-минг шукр қилдим.

Бундай гапларни бугун ҳар бир юртдошимиздан эшитишимиз мумкин. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз шунчалик ўзгариб, ривожланиб кетдики, буни кўрмаслик, сезмасликнинг иложи йўқ. Қаерга қараманг, янги бинолар, уй-жойлар қурилаётган бўлади. Энг замонавий техника ва технологиялар ҳаётимизга кириб келмоқда. Халқимиз фаровонлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда барпо этилаётган янги массивлар аҳолига манзур бўлмоқда.

– Илгари Қарши, Тошкент шаҳарларида яшаганмиз, – дейди ЎзА шарҳловчисига Қарши туманининг Мирмирон массивида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйда истиқомат қилаётган Илҳом Каромов. – Янги уйимизнинг шаҳардаги ҳовлилардан кам жойи йўқ. Газ, сув, электр муҳайё. Остонамизгача асфальт. Мактаб, мактабгача таълим муассасаси, дўконлар, хизмат кўрсатиш тармоқлари бир қадам. Қулайликлардан яйраб, болалар билан мазза қилиб, дориломон кунларимизга шукрона айтиб, Президентимиздан миннатдор бўлиб, умргузаронлик қилаяпмиз.

Бугун қайси бир қишлоққа борманг, энг кўркам бино коллеж, мактаб, қишлоқ врачлик пунктларидир. Ҳар йили давлат бюджетининг қарийб олтмиш фоизга яқини ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилаётгани давлатимиз раҳбарининг халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга қанчалик эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Аҳолининг оғирини енгил қиладиган, ҳаёт сифатини оширадиган воситалардан бири автомобилдир. Мустақиллик йилларида халқимиз ҳаёт даражаси нақадар юксалганини биргина шу жиҳат орқали ҳам англаш, ҳис қилиш мумкин.

Илгари қишлоқларда битта-иккита машина бўлар, кимнингдир шошилинч иши чиқиб қолса, ўшаларникига чопарди. Бугун энг чекка қишлоқда ҳам юкингиз ерда қолмайди. Ҳар икки уйнинг бирида машина. Баъзи оилаларда иккитадан автомобиль бор. Исталган йўналишга таксилар қатнаб турибди. Уйда ўтириб таксига буюртма бераверасиз.

Ҳар бир мамлакатнинг бойлиги, қудрати, аввало, халқининг фаровонлиги, юрт ободлиги билан ўлчанади. 2015 йилда иқтисодиётни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришилгани аҳоли даромадлари кўпайишига, одамларимиз ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод ва кўркам бўлишига замин яратди.

– Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олди ва дадил илгари бормоқда, – дейди "Нуроний" жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раҳбари Январ Иноятов. – Ютуқларимизнинг бош омили истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган беш тамойил асосидаги "ўзбек модели"га қатъий амал қилинаётганидир.

Халқимиз 2016 йилга катта орзу-умидлар билан қадам қўйди. Орзу-ҳаваслари мўл, меҳнаткаш халқимизга яхши кунлар муносибдир.

Абдужалол ТАЙПАТОВ

Замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Аъло Абдуллаев олган сурат

Тошкент давлат аграр университетида "Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришда замонавий мутахассис кадрларнинг ўрни ва роли" мавзуида амалий мулоқот бўлиб ўтди.

МУТАХАССИСЛАР УЧУН АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, марказий банк ва етакчи тижорат банклари ходимлари ҳамда Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

Тадбирда асосий эътибор қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ҳамда соҳани ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес вакиллари учун касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришда яратилган имтиёзлар ҳамда фермерлик соҳасидаги инновацион лойиҳаларга қаратилди.

Айтиш жоизки, қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишида ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. 2015 йилда юртимизда 980 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларга тўғри келади. Аграр соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер хўжалиги ва 250 мингдан зиёд иш ўринлари ташкил этилди.

Ўзбекистон либерал-демократик партияси томонидан фермерлик ҳаракатида фаол иштирок этаётган шижоатли, изланувчан, масъулият билан меҳнат қилаётган ёш фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида бир қатор лойиҳалар ва кўрик-танловлар ўтказилиб келинмоқда. Хусусан, 2015 йилда қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган коллежлар ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олаётган кўплаб ёшлар "Келажак фермери" иқтидорли талабалар стипендияси ҳамда "Ёш фермер" кўрик-танловларида муносиб рағбатлантирилди.

– Давлатимиз томонидан фермерлар, жумладан, бу соҳага эндигина кириб келаётган ёш фермерлар учун кўплаб енгиллик ва имтиёзлар яратилган, – дейди "Покиза М" фермер хўжалиги раиси Абдумалик Каримов. – Бугунги тадбирда шу соҳага қадам қўяётган талаба-ёшлар билан ўзаро фикр алмашдик, ўз тажрибамиздан келиб чиққан ҳолда маслаҳатларимизни ҳам бердик. Ўйлайманки, бундай учрашувлар ёшларнинг билим ва кўникмаларини бойитишга хизмат қилади.

Амалий мулоқот доирасида ўқув-машғулотлари ҳам ўтказилди. Унда танловларда иштирок этиб, аграр соҳадаги билимларини янада оширишга мушарраф бўлган бир қатор ёшларнинг фермерлик соҳасида яратган инновацион лойиҳаларининг тақдимотлари кўриб чиқилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА 2016 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги "Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан "ишсиз" деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида ҳамда туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг 2016 йил 12 январдаги 18-ах/16-сон хати билан берилган таклифини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шайхонтоҳур туманида 2016 йилда ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан, бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларни жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Б.Мелиев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Туман ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи (Х.Шермуҳамедов) ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Компьютерлаштириш маркази" ДУКнинг Шайхонтоҳур тумани тармоқ администратори (Н.Насириллаев):

Мазкур қарор "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.shayxontohur.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммасига юклансин.

Шайхонтоҳур тумани ҳокими
М.Миркосимов

2016 йил 18 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сўров натижаларидан маълум бўлишича, корхоналар қонунчиликда белгиланган муддатлар доирасида рўйхатдан ўтказилмоқда. Бундан ташқари, аксарият фермерлар (85-94 фоизи) ер участкаси, кредит ва қишлоқ хўжалиги техникасини олишда қийинчиликларга дуч келмаган. Тадбиркорларнинг кўпчилиги (80,9 фоизи) лицензиялаш жараёни соддалаштирилгани, шунингдек, рухсат ёки лицензия олиш ошкора амалга оширилаётганини таъкидлади.

Тадбиркорларимиз фуқаролар ва давлат манфаатларини ўзида тенг мужассамлаштирган, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирадиган мамлакатимиз солиқ тизимини самарали деб баҳолайди.

Сўров қатнашчилари банкларнинг тадбиркорлар билан ишлаш жараёнини ижобий баҳолаётгани мамлакатимизда банк фаолияти юқори кўрсаткичларга эга эканидан далолат беради.

Сўров мамлакатимизда тадбиркорларнинг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида ҳуқуқ устуворлиги принципига амал қилинаётганини кўрсатди. Масалан, аксарият сўров қатнашчилари сўнгги йилларда текширувлар сони камайганини қайд этди. 73,6 фоиз тадбиркорларнинг фикрича, текширувлар асосан профилактика хусусиятига эга бўлиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича маслаҳат ёрдами кўрсатишга қаратилмоқда.

Сўров натижалари мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тадбиркорларнинг самарали фаолият юритиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайдиган зарур ҳуқуқий база яратилганини тасдиқлайди.

Тадбиркорлар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давр талабидир. Бу, ўз навбатида, бошқарув ва назорат органларининг қонунга зид турли ҳаракатлари йўлига ишончли тўсиқ қўйиш, уларга ўз фаолиятини ошкора ва самарали амалга ошириш имконини беради.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири М.МАМЕТОВА тайёрлади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАМИША ЭҲТИРОМ ВА ЭЪЗОЗДА

Мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2015 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилишда бу борадаги ишларнинг натижаси ҳақида сўз борди. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида қизлар билимли, касб-ҳунарли бўлиб тарбияланаётгани алоҳида таъкидланди. Бу уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлмоқда.

2015 йилда касб-ҳунар коллежларини битирган 218 минг 886 қизнинг 94 фоизи мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги қизларга имтиёзли кредитлар ажратилган.

Хотин-қизлар қўмитасининг ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борган ишлари самарасида ўтган йили мамлакатимизда хотин-қизлар учун 404 минг 155 иш ўрни яратилди. Уларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига тўғри келди.

Қўмита томонидан барча маҳаллаларда ташкил этилган "Саломатлик секторлари" вакиллари ҳар бир оилага кириб, аёллар ва қизлар, ёш болаларни соғломлаштириш жараёнларига тўлақонли қамраб олинишига кўмаклашди. Аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган турли спорт мусобақаларига ёши ва касб-кори турлича бўлган хотин-қизлар кенг жалб этилди. Оилавий ажримлар ва қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида маҳаллалар ва таълим масканларидаги "Ораста қизлар" тўгараги аъзолари ёши улуғ, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларга ҳар томонлама ёрдам берди. Турли ижтимоий-маърифий акциялар, давра суҳбатлари, "Авлодлар учрашувлари" ўтказилди.

Қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирлар аёлларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилди.

Йиғилишда қўмита фаолияти кенг ва атрофлича таҳлил этилиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Истиқлол йилларида азим пойтахтимиз беқиёс даражада ўзгарди, десак адашмаймиз. Замонавий меъморчилик иншоотлари, маданий-маиший объектлар, кўприклар, янгича кўринишга эга бўлган савдо комплекслари ва айниқса, бозорлар Тошкент шаҳрининг кўркига-кўрк қўшиб турибди. Юртимизга келаётган ҳар бир сайёҳ бозорларимизга ташриф буюрмасдан кетмайди, албатта.

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Куни кеча "Тошбозорсавдо" уюшмасида Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг Миробод тумани Кенгаши томонидан ташкил этилган Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш", "Меҳнат кодекси", "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш", "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси" каби Қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг иш берувчилар томонидан ижросини таъминлаш юзасидан конференция-семинари бўлиб ўтди. Унда "Тошбозорсавдо" уюшмаси тасарруфидаги Тошкент шаҳридаги барча бозор ва савдо комплексларидан ташриф буюрган мажмуалар раҳбарлари, касаба уюшма фаоллари ҳамда тегишли идоралар ва мутасадди ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққан "Тошбозорсавдо" уюшмасининг бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Адҳамжон Эргашев, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев ва бошқалар мустақил Ватанимизда давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг олий мақсади – халқимизга муносиб турмуш ва меҳнат шароити яратиб беришдан иборат эканлиги, юртимизда барпо этилаётган жамиятнинг иқтисодий асоси – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ҳисобланиши ҳамда жаҳон иқтисодиётидаги жиддий муаммоларга қарамасдан, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг устувор йўналишларидан бири дея эътироф этилган иқтисодиёт тармоғининг жадал тараққий топиши баробарида модернизациялашнинг комплекс тадбирлари тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилаётгани – жамиятимизни барқарор ривожлантиришнинг муҳим омили бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шунингдек, тадбир давомида йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг жароҳатлаш хавфлилиги юзасидан аттестация ўтказиш тартиби тўғрисида Низом"нинг ижросини таъминлаш масалалари ҳамда бозорларда жамоа шартномалари орқали меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясининг таъминланиши, уларга хавфсиз ва соғлом иш шароитларининг яратилиши, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш юзасидан профилактика ишлари олиб бориш кераклиги ҳақида батафсил тушунчалар берилди.

— Энг аввало, бозор ва савдо комплексларида фаолият олиб бораётган ходимларга иш берувчилар томонидан уларнинг меҳнат шароити ва соғлиғини муҳофаза қилиш ҳамда доимий меҳнатга бўлган қобилиятларини сақлаб қолишлари учун шароитлар яратиб берилиши зарур. Қолаверса, ҳар бир ходим муомала маданиятига эга бўлиши керак. Чунки, бозорларимиз қадимий тарихга эга бўлган масканлар ҳисобланади. Албатта, бу борада айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу каби нуқсонларнинг олдини олиш барча бозор ва савдо комплекслари раҳбарларининг асосий вазифаси бўлмоғи лозим, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Равшан Маҳамадалиев.

Учрашувда мутахассислар семинар иштирокчиларини қизиқтирган ва тадбир давомида муҳокама этилган мавзуга оид барча саволлар бўйича тушунтириш бердилар.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

TOSHKENT SHAHAR KAMOLOT KENGASHI

Ҳар бир жамият ва халқнинг таянчи ўсиб келаётган ёш авлоддир. Мамлакат равнақи кўп жиҳатдан ёшларнинг билими, интилишлари ва иқтидорига боғлиқ. Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданоқ ёш авлоднинг муносиб ривожланиши, унинг жисмоний, аҳлоқий ва маънавий тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиши давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УЗВИЙЛИГИ

Бугунги кунда таълим тизимига юксак эътибор қаратиляпти, аждодларимиз меросини ёш авлодларга етказиб беришда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш, яъни интернет тизимидан таълим ва билим берадиган веб-сайтлар сифатини яхшилаш, уларни ягона тармоғини яратиш каби масалаларнинг кўтарилганлиги ҳам давлатимиз томонидан берилаётган эътиборнинг яққол намунасидир.

Кейинги вақтларда Интернет орқали тарқатилаётган ахборотларнинг салбий ва ижобий таъсири ҳақида ота-оналар ва кенг жамоатчиликнинг баҳс-мунозаралари турли йиғинларда, матбуот, тўй ва маъракаларда мунозара бўлмоқда. Бевосита болалар билан ишлаганимиз учун бизни ҳам шу каби саволларга тортмоқдалар. Мен узоқ йиллардан бери информатика фанидан дарс бериш жараёнида ёшлардаги ахборотга бўлган талабларни таҳлил қилиб бораман. Глобаллашув шароитида бу борада уч хил йўналишга барчамиз эътибор беришимиз лозим. Биринчидан, компьютер саводхонлиги, яъни унинг қурилмалари, турлари, русумлари, бошқача айтганда фундаментал ҳамма билиши лозим бўлган билим ва кўникмалар. Таълимнинг барча босқичларида мазкур билимлар етарлича ўқитилмоқда. Иккинчидан ахборот саводхонлиги. Бу ерда масаланинг икки томонини ёшлар ажратиши муҳим. Биринчиси ахборотнинг ижобий томони. Бозор иқтисодиёти шароитида ва умуман ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида жумладан таълимда ҳам. Учинчиси медиасаводхонлик, биринчи йўналиш бўйича ўқувчилар 5-синфданоқ етарли билимга эга бўлмоқдалар. Аммо иккинчи ва учинчи йўналиш бўйича муаммолар ечими барчанинг саъйи-ҳаракатига боғлиқ. Бу ерда ахборот ҳақида ҳам, медиалар бўйича ҳам иммунитет яъни, керак ва нокерак ахборотларни ёшларимизнинг ўзлари ажрата олишлари лозим. Ахборотнинг ижобий томони шундан иборатки, ўз вақтида олинган тўғри ва сифатли ахборот турли соҳаларда аниқ қарор қабул қилиш имконини беради. Тўғри сифатли ахборот инсонлар, айниқса ёшларнинг дунёқарашини бойитиши, билим олиши, замонавий билимлар эгаси бўлиш имконини беради.

Ахборотнинг салбий томони шундан иборатки, ҳозирги кунда айрим ғарб давлатларидан кириб келаётган миллий қадриятларимизга ёт бўлган ахборотлар ва қарашлар ҳамда инсонлар онгини заҳарловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Айниқса, бундай маълумотлар интернет тармоғи орқали кенг тарқалмоқда. Интернет ва смс хабарлар орқали тарқалаётган жамиятимизга, қадриятларимиз ва анъаналаримизга зид бўлган ножўя ахборотлар ёшларнинг онгини заҳарлаши ва уларни нотўғри йўлларга бошлаши мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш бизнинг вазифамиздир. Ҳар доим ахборотдан ўринли ва тўғри фойдаланиш зарур. Вояга етмаган бола билиб-билмай турли планшет ва қўл телефонлари орқали назоратсиз интернетга киришини ота-оналар назорат қилишлари шарт. Ана шунда ахборотнинг салбий томонларининг олди нисбатан олинади.

Сир эмас, сўнгги вақтларда нафақат ёшлар, балки катталар ҳам кўп вақтларини виртуал олам билан ўтказмоқдалар. Кибер дўст деган нотаниш, мафкураси бузуқ виртуал кишилар билан алоқага чиқиш ҳолатларининг олдини олиш керак. Бир нарсага эътибор берайлик. Ахборот коммуникацион технологиялари ривожланмаган даврда болаларда нисбатан икки олам: оила ва маҳалла биринчиси, иккинчиси эса мактабдаги олами эди. Минг афсуски учинчи медиа олам ҳам бугунги кунда ўз ҳукмронлигини ўтказмоқда. Одноклассники каби ҳар қандай ижтимоий тармоқлар, Telegramга ўхшаш чатларда ёшлар кунига 2-3 соат вақти ва анча маблағларини сарфламоқда. Реал олам ўрнини виртуал олам ташвишлари ва энг ачинарлиси ёшликдаги энг фойдали дамларини, яъни ғанимат вақтларини беҳудага ўтказиб юбормоқдалар. WhatsApp деган чат аллақачон оммавийлашиб бўлди. Онлайн типидаги ўйинларни баъзи бир катта ёшдаги кишиларнинг ҳам муккасидан тушиб ўйнаши таажжубли.

Маълумки, XXI аср – "Ахборот-коммуникацион технологиялари" асри. Бугунги кунда ахборот технологияларидан фойдаланиш, ахборотларни қабул қилиш ва узатиш, ахборот манбалар имкониятларини чуқур ўрганиб олиш шарт ва муҳимдир. Ахборот-коммуникация технологиялари биз педагог кадрлар зиммасига интилувчанлик, изланувчанлик, яратувчилик салоҳиятини юклатади. Айнан ана шу мақсадларни амалга ошириш бугуннинг долзарб масаласидир.

Таълим беришнинг бундай тараққиёт босқичи сифат жиҳатидан мутлақо янги технологияларни самарали қўллаш заруриятини қўймоқда. Айнан, ахборот-коммуникация технологиялари, ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришнинг омили сифатида таълим самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳозир мактабларда мультимедия маҳсулотлари, компьютер синфлари етарлича таъминланган. Демак барча лойиҳаларни амалга оширишга замин бор.

Хўш, шундай экан, бугунги кунда ахборот технологияларининг тараққиёти ва ундан фойдаланиш шакллари қандай?

Замонавий технологик жараёнлар ҳар қандай соҳага ўз таъсирини ўтказгани каби, ахборот узатиш тизимига ҳам тобора янги ўзгаришлар олиб кирмоқда. Шундайлардан бўлмиш интернет, айни даврда дунё бўйича жадаллик билан глобал аудиторияни эгаллаб бормоқда.

"Мутахассисларнинг фикрига кўра, ахборот технологиялари жамият тузилмасининг шу қадар ажралмас қисмига айланиб улгурди-ки, энди у шунчаки технологик жараён эмас, аксинча, ижтимоий жараёнга айланиб бормоқда.

Ёшларимиз нима учун кўпроқ хорижий сайтларга киришга қизиқадилар? Унинг олдини қандай олиш мумкин ва бу борада нима ишлар амалга оширилмоқда?

Қачон-ки, маҳаллий сайтлар, порталлар керакли ахборотни етказиб бера олмас экан, у ҳолда фойдаланувчи ҳорижий интернет манбаларига мурожаат қилиши табиий ҳол. Таассуфки, хорижий манбалардаги маълумотларнинг бари ҳам бирдек ҳаққоний ва холис эмас.

Маълумки, айни кунда интернетнинг UZ доменида фаолият юритаётган сайтлар кўп. Улар орасида таълимга оид портал ва сайтлар ҳам бир нечтани ташкил этади. Лекин, улар таълимнинг маълум бир жабҳасинигина қамраб олган. Бундан ташқари у сайтларнинг фаолият доираси ҳам чекланган.

Таълимга оид порталлар ва сайтларга мурожаат қилар эканмиз, миллий ижтимоий-сиёсий, илмий-таълим ва маданий-маърифий ахборотлар фойдаланувчи эҳтиёжларини қондира оладиган даражада бой бўлиши кераклигини таъкидламоқчи эдим. Қолаверса, аксарият хорижий сайтларда ахборотлар хорижий тилларда жойлаштирилган бўлса ҳам ёшларни ўзига тортаётганлиги бежиз эмас. Биздаги олим ва мутахассисларимиз ҳеч иккиланмасдан ўз ишланмаларини сайт ва порталларга тақдим этсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Афсуски кўплаб ишлар тор доирада қолиб кетмоқда.

Компьютер қаршисида ўтирган бола маънавият ва жаҳолат чорраҳасидан энг тўғри йўлни танлаши – унинг онгида кечаётган курашда маърифат ғолиб келиши учун унинг ботинида, тийнатида, фитратида миллий иммунитет бақувват бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, барча тараққиёт маҳсулотлари қатори, глобал ахборот тармоғидан ҳам фақат маърифий йўлда умуммиллий жипсликни мустаҳкамлаш, авлодлар баркамоллигини таъминлаш, юртимиз номини жаҳонга тараннум этиш, умумбашарий маънавиятга ўз ҳиссамизни қўшишда фойдаланишимиз шарт.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси

ЁШЛАРГА ҚАНОТ

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қизиқарли лойиҳалари, самарали амалий ишлари билан йигит-қизларнинг қалбидан жой олмоқда. Ҳаракатнинг 2015 йилги фаолияти сарҳисоби ва жорий йилдаги истиқболли режаларига бағишланган йиғилишда бу фикр ўз ифодасини топди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан жисмонан ва маънан соғлом, фикри тиниқ, интеллектуал салоҳияти юқори авлодни вояга етказиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

2015 йилда Ҳаракат тизимлари томонидан 44 мингдан зиёд тадбир ташкил этилиб, уларда 18 миллионга яқин ёшлар иштирок этди. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамкорлигида "Депутат ва ёшлар", "Сенатор ва ёшлар" лойиҳалари ўтказилди.

Миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик туйғуларини, азалий қадриятларимизни тарғиб қилишга қаратилган "Биз – буюк юрт фарзандларимиз!" ёшлар фестивали замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилди. "Камолот" кутубхонаси" лойиҳаси доирасида ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари чоп этилиб, "Камолот" китоб дўконларига тарқатилди.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси ташкил этилди. Лойиҳа доирасида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиниб, уларнинг уй юмушларига кўмаклашилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида уюштирилган "Менинг бизнес ғоям" танлови ғолиблари 3,6 миллиард сўмга яқин кредит олиш учун тавсияномаларга эга бўлди. "Ёш тадбиркор – юртга мададкор" лойиҳасида бизнес режалари самарали деб топилган 314 нафар иштирокчига ўз ғояларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 7 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар олиш учун тавсияномалар берилди. Ўзбекистонда ёшлар тадбиркорлиги бўйича I республика бизнес форуми ўтказилиб, унда 1,5 мингдан зиёд ёш тадбиркорлар ўз таклифлари билан иштирок этди.

"Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!" акциялари, футбол бўйича "Камолот" кубоги" мусобақалари, "Камолот"-тур" VIII республика ёшлар веломарафони, "Камолот" шахмат тахтаси" VIII республика очиқ турнири ўтказилиб, ушбу тадбирларда 500 мингдан ортиқ ёш иштирок этди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурига асосан мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ёш оилалар "Камолот" уйлари билан таъминланмоқда.

Йиғилишда "Камолот" фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, 2016 йилда самарадорликни янада ошириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Отабек Мирсобатов олган сурат

Ёшлар эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи. Шу боисдан истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар таълим-тарбияси ва иқтидорини юзага чиқариш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

БИЛИМЛАР БАҲСИ

Шундай эзгу мақсад йўлида бирлашишга бел боғлаган бир гуруҳ "Камолот" ЁИҲ фаоллари Миробод туманида жойлашган Тошкент фармацевтика институтида "Заковат" интеллектуал ўйинларининг саралаш босқичини ўтказишди. Институт факультетлари ўртасида бўлиб ўтган ўзига хос ўйин шиддатли тарзда кечди.

— Ҳозирги глобаллашув замонида биз ёшларнинг интеллектуал салоҳиятимизни ошириш, янада юқори марраларни забт этиш энг олий мақсадимиздир, — дейди Тошкент фармацевтика институти "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилоти раиси Ўктам Юнусов. — Ҳозирда "Камолот" фаоллари ўз олдиларига қўйилган бир қатор вазифаларни амалга ошириб келмоқда. Улардан бири сифатида эса бугун ташкил этилган интеллектуал ўйинни айтишим мумкин.

Ўйин якунида кейинги босқичга ўтган жамоалар номи эълон қилинди. Яққол пешқадамликни фармация факультети талабаларидан тузилган "Ифтихор" жамоаси, шунингдек, саноат фармацияси факультетининг "Лидер" ҳамда "Камолот" жамоалари кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди.

— Юртимизда ақлу заковати билан дунёга машҳур бўлаётган ёшларимиз сафи ортиб бормоқда, — дейди ўйин ташкилотчиси Аъзам Хатамов. — Мустақил диёримизда яратиб берилган шарт-шароитлар натижасида ёшларимиз катта ютуқларни қўлга киритишмоқда. Ўтказилган тадбир фикримизга яққол мисол бўла олади.

Наргиза КАРИМОВА

Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан

УММУМБАШАРИЙ МЕРОС

Алишер Навоий асарларида тараннум этилган эзгу ғоялар барча халқлар учун аҳамиятлидир.

Буюк шоир ижодий мероси бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Навоийнинг рус тилидаги девони, инглиз, немис, француз, испан, итальян, хитой, япон ва бошқа тилларда чоп этилган асарлари мутафаккир меросига эътибор юксак эканидан далолатдир.

XVI – XVII асрларда Навоий асарлари Европада кенг тарқала бошлаган. Улар орасида энг кўп таржима қилингани "Мажолис ун-нафоис"-дир. "Фарҳод ва Ширин", "Муҳокамат ул-луғатайн", "Маҳбуб ул-қулуб" асарлари ўрта асрлардаёқ немис тилига, у орқали бошқа тилларга ўгирилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва жаҳон тилларига таржима қилишга кенг имкониятлар яратилди. 2000 йилда Навоий асарларидан намуналар асосида "Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлар ва рубоийлардан намуналар" номли китоб инглиз ва немис тилларида чоп этилди. Й.Парда, Л.Кметюк ва К.Маъмуров таржимасида тузилган ушбу жамланма улуғ мутафаккир меросини дунё ўқувчиларига етказишда муҳим қадамлардан бўлди.

2009 йилда Германиянинг Фрайе университети симпозиумида ўқилган маърузалар асосида тайёрланган "Mir Alisir Nawai" номли тўпламга тўққизта мақола киритилган. З.Клайнмихел уч юз саҳифали мақоласида мутафаккир ижоди, ҳаёти, ғазал ёзиш қонуниятлари, шарқона ғазал оҳанги, асарларидаги тарбиявий жиҳатларни еттита фаслга бўлиб таҳлил қилган.

Польшада буюк мутафаккирнинг ғазалларидан бир туркуми ўзбек ва поляк тилларида алоҳида нашр этилган. Таниқли таржимон Януж Кжижовский томонидан тайёрланган ушбу тўпламнинг илк нусхаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига тақдим этилган. Ушбу китоб Польша Миллий кутубхонаси каталогидан ўрин эгаллагани қувонарли.

Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" асари қўлёзмасининг электрон шакли 2013 йилда Британия кутубхонаси томонидан Миллий кутубхонамизга берилган. Шоирнинг "Хазойин ул-маоний" девони таркибига кирувчи ушбу асар юксак тафаккур ҳамда беғубор туйғуларнинг гўзал бадиий талқинидир. Ушбу қўлёзма китобот ва миниатюра санъатининг ноёб намунаси ҳамдир.

Алишер Навоий асарлари француз тилига ҳам кенг таржима қилинмоқда. Шоир ғазаллари Франциянинг "Orphee La Difference" нашриёти томонидан чоп этилди. "Gazels et autres poems" номли ушбу китобда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот ҳамда асарлари библиографияси келтирилган. Шунингдек, ғазал, рубоий, қитъа, чистон, мухаммас, фард каби адабий жанрларнинг таърифи ва уларга араб ва француз тилларида намуналар берилган. Навоийнинг француз тилига таржима қилинган асарларидан тузилган яна бир китоб "Gazels" бўлиб, Муродхон Эргашев ва Жан Жак Гате томонидан "Editions Georama" нашриётида чоп этилган.

Яқинда Франция Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон Миллий кутубхонасига Алишер Навоийнинг француз тилидаги китоблари тақдим этилгани буюк бобокалонимиз таваллудининг 575 йиллигига туҳфа бўлди.

Навоий меросини қанча ўрганса ҳам адоғига етиб бўлмайди. Бу улкан маънавий бойликни жаҳон бўйлаб кенг ёйишда таржиманинг ўрни катта.

Навоий асарлари теран фалсафий фикрлар, гўзал ташбеҳлар жамланмаси. Уларнинг моҳиятини теран тушунган, аслиятдан йироқлашмаган ҳолда тадқиқ ва таржима қилиш ниҳоятда муҳим.

Абдумурод ТИЛАВОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

Болалар спорти

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга доимий эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда кўплаб спорт иншоотлари янгидан қурилиб, мавжудлари қайтадан таъмирланиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида янги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биноси фойдаланишга топширилиши туман аҳолиси учун қулайлик яратди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида реконструкция қилинган ушбу болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўғил-қизлар футбол, баскетбол, волейбол, сузиш, таэквондо, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

— Юртимизда ёш авлоднинг спорт билан мунтазам шуғулланиши, жисмонан ва маънан баркамол улғайиши учун барча шароитлар яратилмоқда, – дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Юнусобод туман вакили, бош мутахассис Хуршид Ҳожиметов. — Бундай кенг имкониятлар ўғил-қизларимизнинг спортга бўлган қизиқишини янада ошириб, соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қилмоқда. Жамғарманинг Тошкент шаҳар филиали томонидан 2003-2015 йилларда 26 янги спорт иншоотлари, 11 умумтаълим мактабининг спорт заллари, 23 сузиш ҳавзаси, 30 болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Буларнинг барчаси зарур жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. Туманда очилган янги спорт мактаби биносида барча зарур жиҳозлар билан таъминланган спорт зали, ёпиқ сузиш ҳавзаси, тиббиёт, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналари мавжуд. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизларнинг ўзлари хоҳлаган спорт тури билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Маҳалла аҳли билан бир қаторда спорт мактаби билан ёнма-ён жойлашган 257-, 258-умумтаълим мактаби ҳамда Тошкент иқтисодиёт колледжи ёшлари учун ҳам қулай шароит яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказишда, жумладан болаларнинг билим олиши ва жисмонан бақувват бўлиб етишишига катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Нилуфар Ҳамидова. — Фарзандларим 257-мактабда таълим олишади. Яқин кунларгача уларни бошқа туманлардаги спорт мажмуаларига олиб борар эдим. Энди эса янги спорт мактабининг турли тўгаракларига қатнашишлари мумкин. Замонавий спорт мактабининг очилиши нафақат фарзандларимизни, балки ота-оналарни ҳам беҳад қувонтирди.

Спорт мактабининг очилиш маросимида таэквандо ва каратэ бўйича кўргазмали чиқишлар, ўқувчилар ўртасида "Қувноқ стартлар" мусобақаси ўтказилди. Сузиш ҳавзасида ўқувчи-қизлар ўртасида синхрон сузиш мусобақалари бўлиб ўтди.

Бу каби спорт мактабларининг кўплаб очилиши ўғил-қизларимизнинг спортда эришаётган улкан ютуқларида муҳим омил бўлиши билан бирга уларнинг юртимиз довруғини дунёга таратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро Кураш ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий курашни жаҳон миқёсида кенг оммалаштиришда муҳим омил бўлди.

ЎЗБЕК КУРАШИ ЖАҲОН МАЙДОНИДА

Замонлар бўлди – халқимизнинг илдизига болта урмоқчи бўлди, замонлар бўлди – миллат, миллийлик, қадрият деганларнинг уйи куйди. Ана шундай қийин даврларда ҳам халқимиз ўзлигига, бобомерос тутумларига содиқ қолди. Давра қуриб, давра олиб, кураш тушаверди.

– Ота-боболарим моҳир курашчи бўлиб, тўю томошаларда давраларни қиздирган. Қаерга борса, мени ёнида олиб юриб, тенг-тўшларим билан олиштириб, курашга меҳр уйғотган. У пайтлар уруш, очарчилик, қийинчилик кўриб катта бўлганмиз. Қорнимиз тўймай, оч-юпун юрсак ҳам кураш тушишдан чарчамасдик, – дейди қашқадарёлик етмиш беш ёшли Абдурашид Мирзаев. – Умр бўйи кураш тушган бўлсам ҳам полвонликнинг ҳақиқий бахтига мустақиллигимиз туфайли эришдим. Чекка бир қишлоқдаги мендек бир полвоннинг қатор хориж давлатларида ўтказиладиган нуфузли спорт мусобақаларида иштирок этиб, курашни тарғиб этишга ҳисса қўшишининг ўзи катта бахт!

Ҳа, истиқлол туфайли кураш янги ҳаётини бошлади, жаҳон узра кенг тарқалиб, турли миллатларга мансуб миллионлаб кишиларнинг севимли машғулотига айланди.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, Америка, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намойиш қилинди. Натижада жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрь куни ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Осиё, Европа ва Американинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Кураш халқаро ассоциациясига (ІКА) асос солинди.

Бугун дунёнинг юз йигирмадан ортиқ давлатида кураш кенг оммалашмоқда. Кураш бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир. Бу мусобақаларда дунёнинг барча қитъасидан номдор полвонлар ўзбекона камтарлик ва мардонаворлик билан таъзим қилиб, гиламга чиқмоқда, давра айланиб, кураш тушмоқда.

Кураш халқаро ассоциацияси, Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари томонидан курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш, уни келажакда ёзги Олимпия ўйинлари дастурига киритиш бўйича самарали ишлар олиб борилмоқда.

2007-2008 йилларда Макао ва Вьетнамда ўтган II ва III ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида, 2009 йили Таиландда жанговар яккакурашлар бўйича I Осиё ўйинларида, 2013 йили Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинларида, 2014 йили Таиландда ўтган Осиё соҳил ўйинларида кураш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

2015 йилнинг сентябрь ойида Осиё олимпия кенгашининг Ашхобод шаҳрида ўтказилган навбатдаги Бош ассамблеясида кураш 2018 йили Индонезиянинг Жакарта шаҳрида ўтказиладиган XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди.

Энди кураш бир йўла учта нуфузли мусобақа – 2016 йили Вьетнамда ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йили Туркманистонда бўладиган ёпиқ иншоотларда ва жанговар яккакурашлар бўйича Осиё ўйинлари ҳамда 2018 йили Индонезия мезбонлик қиладиган ёзги Осиё ўйинлари дастуридан жой олди.

Осиё олимпия кенгаши томонидан ҳар тўрт йилда ташкил этиладиган ва қитъа олимпиадаси сифатида эътироф этилган ёзги Осиё ўйинлари нуфузи ва аҳамияти жиҳатидан Олимпия ўйинларидан кейинги муҳим мусобақадир. Унда қитъамизнинг деярли барча мамлакатларидан минглаб спортчилар иштирок этади. Шу боис мазкур ўйинлар дастуридан жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга, барча қитъаларда ривожланиб бораётган спорт турлари жой олади. Бу курашнинг Олимпиада спорт турлари қаторига кириши йўлидаги яна бир залворли қадамдир.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Кўргазмалар

ФОТОСУРАТЛАРДА ОЛАМ АКСИ

Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фото мактаб-студияси битирувчиларининг диплом ишлари — фотосуратлардан ташкил топган кўргазма очилди. Экспозицияда ўз билимларини синаб кўрган 12 иштирокчининг портрет, манзара, натюрморт, репортаж каби жанрларда 110 дан ортиқ олган фотографик тасвирлар намойишга қўйилган.

Уларда мамлакатимиз табиатининг гўзал манзаралари, маданий ҳаётимизнинг турли қирралари беғубор болалик, йил фасллари, инсон сиймолари, ҳаёт фалсафаси, бугунги ёшларимиз ҳаёти акс этган. Кўргазмада битирувчиларнинг чет элларда сафарда бўлган вақтларида олган кўплаб фотосуратлари ҳам тақдим этилган. Улар орасида "Тоғларда дам олиш", "Оила нури", "Қизалоқ", "Табассум ажинлари", "Куз", "Кузги қор", "Қиз портрети", "Қишки нақшлар", "Бўрон олдидан", "Кутиш", "Тоғдаги сув омбори", "Шаҳар динамикаси" экспозициядан ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек битирувчиларнинг кўпчилиги учун бу кўргазма ўзига хос ижодий илк намойиш, дебютдир. Улар таниқли ва тажрибали фоторассомлардан таълим олганлар. Мазкур кўргазма битирувчи-ёшларнинг ўзлаштирган асосий билимлари, дунёни англаши, кўриш ва ижодий нафаси билан таништиради.

Кўргазманинг очилишида битирувчиларга сертификатлар топширилди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ёнғиннинг олдини олиш, фуқароларимизга унинг салбий оқибатлари, ёнғин натижасида ўзи, ўзганинг мулки, энг ачинарлиси соғлиғига зарар етиши мумкинлиги барчага аён.

"101"

ЁНҒИНЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛАЙЛИК!

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёнғинларнинг сонини камайтириш мақсадида Яшнобод туман ҳудудида жойлашган 55 та маҳаллалардаги ерлик ва кўп қаватли уйларда, корхона-ташкилотларда текширувлар олиб борилиб, "тилсиз ёв"га қарши давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Яшнобод тумани ЁХБ шахсий таркибининг саъй-ҳаракатлари билан туманда ўтган 2015 йил январь ойида 13 та ёнғин содир бўлиб, 1 нафар фуқаро қуйиш тан жароҳатини олган бўлса, шу йилнинг январь ойида ёнғинлар сони 6 тани ташкил этган. Энг ачинарлиси жорий йилнинг январь ойида содир бўлган ёнғинлар натижасида 1 нафар инсон бевақт ҳаётдан кўз юмган.

Азиз ҳамшаҳарлар, Яшнобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш нафақат ўзингиз, балки атрофингиздаги яқинларингиз, қуни-қўшниларингизнинг ҳаёти ва мол-мулкини асраган бўлишингизни эслатиб ўтади.

Дилмурод ЭРГАШЕВ,
Яшнобод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳисобот топширувчилар диққатига!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси нодавлат ва нотижорат ташкилотларига 2015 йил давлат статистик ҳисоботларини қонунда белгиланган муддатларда тақдим этишлари зарурлигини эслатади:

— **1-notijorat shakli** "НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ", нотижорат ташкилотлари (жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари (ХУЖМШ) дан ташқари) тақдим этадилар, **тақдим этиш муддати 16 февралдан кечиктирмай;**

— **1-NNT shakli** "НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ", Жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тақдим этадилар, **тақдим этиш муддати 2 мартдан кечиктирмай;**

— **8-KOM shakli** "ХУСУСИЙ УЙ–ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИ ШИРКАТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА 2015 ЙИЛ УЧУН ҲИСОБОТ", Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари (ХУЖМШ) тақдим этадилар, **тақдим этиш муддати 15 февралдан кечиктирмай**.

Мансабдор шахсларнинг давлат статистика кузатувини олиб бориш учун зарур бўлган ҳисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмасликда ифодаланган давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиши, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиши ёки ҳисоботларни тақдим этиш муддатларини бузиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4453-сонли Фармонига мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча статистик ҳисоботлар электрон кўринишда тақдим этилиши лозим.

Барча маълумотлар www.stat.uz сайтида мавжуд.

Маълумот учун телефонлар: 230-88-29, 230-88-09

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Яккасарой тумани СИБ томонидан қуйидаги мулк такроран савдога қўйилмоқда: 24.08.2015 йилдаги 11-1503/8409-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Муйноқ кўчаси, 200-уй манзилида сақланаётган бошланғич баҳоси – 75 000 000 сўм, 2001 йилда и/ч., дав/рақ: 01/822RCA бўлган, "Мерседес-бенц 1938 LS" русумли автотранспорт воситаси.

Аукцион савдоси 2016 йил 18 февраль куни соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10:00 дан соат 16:00 гача), аукцион бошланишидан, бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. **Гувоҳнома № 006795.**

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, "Шифокор" бозори ҳудудида жойлашган умумий майдони 83.32 кв.м, фойдаланиш майдони 66.22 кв.м, бинога тақаб қурилган 53 кв.м ҳужжатсиз қурилма, 25 кв.м ўзбошимча эгалланган, ер участкасининг умумий майдони 116 кв.м, қўшимча эгаллаб олинган қисми 25 кв.мдан иборат савдо дўкони қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 108 000 000 сўм.**

Аукцион савдосо 2016 йил 11 март куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 9 март куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **3 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2, кундузи — 11-13 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **3 февралда** Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ